

---

## ТУМАН ҲОКИМИ МАКТАБ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ

Туман ҳокими Қошқайрон МФЙ ҳудудидаги 28-ДМТТ ва 11-умумий ўрта таълим мактабидаги жараёнларни кўздан кечирди. Дастлаб 28-давлат мактабгача таълим ташкилотида бўлган туман ҳокими бу ердаги жараёнларни кўздан кечириб, қилиниши лозим бўлган ишлар юзасидан мутассадиларга топшириқлар берди. Туман ҳокими 11-умумий ўрта таълим мактабининг янги ўқув йилигига тайёргарлиги борасида олиб борилаётган ишлар билан ҳам танишди. Маълумки, ушбу мактаб "Ташаббусли бюджет" лойиҳасида қолиб деб топилган ва мактабда бир қатор бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Ташриф якунида туман ҳокими томонидан Қошқайрон маҳалласида бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш борасида тавсия ва топшириқлар берилди.

2023-08-23 08:23:51